

# **ТҮРТКҮЛЛИКЛАР ОҚ-ОЛТИНДАН БАЛАНД ХИРМОН КҮТАРДИЛАР!**

Бугун, 2020 йил 24 октябрь куни Түрткүл тумани пахтакорлари пахта топшириш ийллик режасини ортиғи билан бажардилар.

2020 йил пахта ҳосили учун Түрткүл туманида 9 минг 800 гектар майдондан 23 минг 700 тонна пахта хом ашёси етиштириш бүйича жами 190 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилган эди.

Жорий йилда пахта ҳосили учун ғўзанинг «Султон», «С-4727», «Бухоро» каби истиқболли навлари танлаб экилди.

Ғўза пишиб етилгунига қадар берилган зарур агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида Түрткүл тумани пахта сотиш режасини 100, 2 фоизга бажарди. Ҳали пахта далаларимизда ҳосил мўл. Терим жараёни давом этади.

Юртимизда ҳукм сураётган карантин ва қишлоқ хўжалигида дуч келган қийинчиликларга қарамасдан юртдошларимиз ғўза парваришида зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширдилар.

Бугун оқ-олтин хирмонини йиғиб-териб олишда фаол қатнашиб келаётган барча қишлоқ хўжалиги ходимларига, фермер хўжаликлари раҳбарлари, отряд бошлиқлари ҳамда теримчиларимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз! Азиз юртдошлар! Барчамизга миллий бойлигимиз ҳисобланган оқ-олтин зафари муборак бўлсин!

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.